2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 25 (281), 2021 йил 4 февраль, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тайёрланган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда — Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Коронавирус пандемияси шароитида **тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш** мақсадида қуйидагиларнинг амал қилиш муддати **2021 йил 31 декабрга қадар** узайтирилсин:

туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969 сон Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, мавжуд қарзига **пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрмаслик талаби;**

коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган ***мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;***

“хуфиёна иқтисодиёт” улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда **“таҳлика-таҳлил”** тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида **солиқ аудити ўтказилишига мораторий.**

3. **Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида** 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган **200 нафар** ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти грантини ажратиш тартибини ишлаб чиқсин ва олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида балл тўплаган шахслар тўғрисидаги очиқ маълумотларни назарда тутувчи ягона электрон реестрни шакллантирсин;

б) олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилсин.

Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур амалиётни йўлга қўйиш ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига кредитлар учун мақсадли ресурслар ажратишни таъминлаш чораларини кўрсин;

в) олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони **25 фоиз**га ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони **2 баравар**га оширилсин, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021/2022 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишга давлат буюртмаси параметрларининг тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

г) академик таътил беришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

академик таътил олишни истаган талабалар **ўз ихтиёрига кўра, академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ва масофавий шаклига ўтказилиб** (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилади;

**оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга** ҳам академик таътилни олиш ҳуқуқи берилади;

талабаларга ўқиш давомида академик таътил берилиши бўйича миқдорий чекловлар бекор қилинади;

академик таътилдан қайтган талабаларни илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқитиш амалиёти бекор қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **бир ой муддатда** академик таътил олишни истаган талабалар томонидан сиртқи ва масофавий шаклда мустақил таълим олишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида экстернат тартибида таълим олиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколати **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** илмий даражали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

4. Республикада талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда тайёрлашнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида **2021 йил 1 апрелдан бошлаб:**

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли хорижий олийгоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони **5 баробар**га оширилсин;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалавриат таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда **100 нафар** ёшларнинг хорижга таълим олиш учун юборилиши таъминлансин;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни саралашни очиқ стипендия танлови асосида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар, мунтазам равишда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин;

бакалавриат, магистратура ва докторантурада ўқиш дастурлари учун стипендия танловини нуфузли хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасадан ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги таклифнома асосида ўтказиш тартиби йўлга қўйилсин.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси бир ой муддатда давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрсин.

5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги **уч ой** муддатда **физика фани ва чет тиллари** бўйича узлуксиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқсин:

илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида мазкур фанларни ўқитиш методикасини қайта кўриб чиқиш, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;

янги авлод, шу жумладан, электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфаол машғулотларнинг улушини кўпайтириш;

хорижий тилларни ўрганиш учун кенгроқ имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформаларини яратиш;

ихтисослашган мактаб (синф)лар фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш, уларни олий таълим ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро боғлаш ҳамда хорижий мамлакатлардан ўқитувчиларни жалб этиш.

6. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда **2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш**га пухта тайёргарлик кўриш ишлари бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

республикада мавжуд спорт объектлари ва иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини ўрганиш натижасида Осиё Олимпия Кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ уларни таъмирлаш ёки янгиларини қуриш бўйича таклифларни тайёрлаш;

ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўришнинг бош режасини унда белгиланадиган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштириш манбаси ва масъул ижрочини кўрсатган ҳолда тузиш;

Осиё Олимпия Кенгаши талабларига, асосан, ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритиладиган спорт турларини саралаб олиш ва ўйинлар дастурини ишлаб чиқиш босқичларини белгилаш.

7. **Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш** ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида:

а) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** “ҳамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рухсат берилсин;

б) **2021 йил якунига қадар** Меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминлансин.

Молия вазирлиги кейинги йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда Меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож етим битирувчилари ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга маблағлар ажратилишини назарда тутиб борсин;

в) **2021 йилда 22 та** мактабгача таълим ташкилоти бинолари, **31 та** янги мактаб, **16 та** олий таълим муассасалари бинолари, **24 та** соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда **23 та** спорт объектларининг қурилиши таъминлансин.

8. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида **Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди** ташкил этилсин ва унинг мақсадлари амалга оширилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **100 миллиард сўм** ажратилсин.

9. Илғор хорижий тажриба ва кенг жамоатчилик таклифлари инобатга олинган ҳолда, **2021 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш**га қаратилган қуйидаги амалиёт жорий этилсин:

муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини **сертификат бериш тизимига** ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра, давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имкониятини яратиш;

ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда **ногиронликни муддатсиз даврга белгилаш.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **уч ой муддат**да тиббий-ижтимоий хизматнинг мутлақо янги моделини шакллантириш чораларини кўрсин.

10. Пенсия ва нафақаларни тайинлашда **фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш** мақсадида қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 июндан бошлаб:**

пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;

ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади;

пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра, рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

## ШОЛИ ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспортни ошириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ бугунги кунда тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги, аҳоли ўсиши ҳамда бошқа инсон таъсири билан боғлиқ омиллар сувни кўп истеъмол қиладиган экинларни етиштиришга сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Республикада шоли етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуксиз ва самарали тизимини такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини гуруч маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ҳамда шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш мақсадида:

1.Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг шоличилик кластерлари ёки шоли экишга рухсат этилган минтақаларда шоли етиштирувчи фермер хўжаликлари базасида элита уруғчилик хўжаликлари (кейинги ўринларда — **Уруғчилик хўжаликлари)**ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

**“Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДК** Шоличилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда Уруғчилик хўжаликларида **авлодли уруғлик кўпайтириш тизимини йўлга қўяди;**

Уруғчилик хўжаликлари юқори авлодли уруғликларни карантин назоратидан ўтказилган **хорижий компаниялардан ёки Шоличилик илмий-тадқиқот институтидан олади ва кўпайтиришни ташкил этади;**

**шолининг элита ва авлодли уруғчилигини** етиштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **ер майдонлари ажратилади;**

экилган уруғлик шоли майдонлари **белгиланган тартибда апробация кўригидан ўтказилади ва сертификат олинади;**

**Уруғчилик хўжаликлари томонидан уруғлик шолини тозалаш, саралаш ва қадоқлаш ишлари амалга оширилади.**

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **1-илова**га мувофиқ ҳудудларда **Уруғчилик хўжаликларини** ташкил этиш чораларини кўрсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга асосан **2021 йил 1 июндан бошлаб** уруғлик шолига мувофиқлик сертификатини бериш, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган юридик шахслар томонидан ҳам амалга оширилишига рухсат берилади.

3. Инновацион ривожланиш вазирлиги, истисно тариқасида, **2021 йил 1 февралдан бошлаб илмий-техник дастурлар доирасида шоли селекцияси, етиштириш агротехникаси ва уруғчилик тизимини ривожлантириш билан боғлиқ 5 йилгача мақсадли лойиҳалар танловини эълон қилсин.** Бунда, селекция йўналишида амалга ошириладиган фундаментал ва амалий лойиҳалар аввал бажарилган лойиҳаларнинг мантиқий давоми эканлиги инобатга олинсин ва узлуксиз давом эттирилиши таъминлансин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) ва Фанлар академияси (Б.С.Юлдашев) билан биргаликда:

минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос шолини алмашлаб экиш дастурини тузиш ва экин майдонларининг ҳисобини олиб бориш ҳамда **Уруғчилик хўжаликларида навбатлаб экиш тизимини йўлга қўйсин.** Бунда, бир далада 2 йилдан ортиқ шоли етиштирилишига йўл қўймаслик бўйича илмий **асосланган алмашлаб экиш тизими** жорий қилинади;

Давоми 3-бетда

ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

## КАСБ-ҲУНАРЛИ ВА БИЛИМЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

### миллий ҳаракатга айланиши зарур!




Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

5-бетда қаранг

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ “ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

11. Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг **2021 йил 1 февраль** ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилсин.

12. Иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, **камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш** мақсадида:

а) ишсиз аъзолари бор оилаларга, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш учун:

деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилиши;

ажратилган ер майдонлари суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланиши;

берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилиши йўлга қўйилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд оилаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун **7 миллион** сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилишнинг янги механизмлари юзасидан таклиф киритсин;

в) **2021 йил 1 мартдан бошлаб** заргарлик соҳасида кенг имкониятлар яратиш учун “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК томонидан кумушни биржа орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **бир ой муддатда** кумушнинг ишлаб чиқарувчиларга биржа савдолари орқали сотилиши, биржага қўйиладиган кумуш ҳажмларини шакллантириш ва маҳсулот бошланғич нархини асосли белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнга қадар ички туризмни оммалаштириш доирасида** Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун қуйидаги харажатларнинг **бир қисмини қайтариш** механизми жорий қилинади:

**авиаташувчиларга** — ички туризм йўналишларидаги авиақатновларда **авиа** чипта нархининг **25 фоизи;**

**туроператор ва турагентларга** — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан авиа ва темир йўл чипталари нархининг **15 фоизи** ҳамда жойлаштириш воситаларининг жойлаштириш бўйича хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нархининг **10 фоизи.** Бунда, ушбу харажатларнинг бир қисмини қайтариш саёҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлаштириш воситаларида камида **бир кеча тунаб қолиш шарти билан** тақдим этилади.

14. Электр энергияси ва табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида:

суюлтирилган газ импорти учун белгиланган божхона божи ва уни импорт қилиш учун талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилинсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар учун электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш соҳасига бозор механизмларини жорий этиш орқали улгуржи бозорни шакллантириш “Йўл харитаси” ишлаб чиқилсин.

Энергетика вазирлиги “Йўл харитаси” ишлаб чиқилишини таъминласин ҳамда биринчи босқичда **2021 йил 1 августдан бошлаб,** йирик корхоналарга электр энергияси ва табиий газни импорт асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилишини назарда тутсин.

15. Давлат солиқ хизматида “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида фермер хўжаликларининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизимни **2021 йил 1 июлга қадар** амалиётга жорий этиш чоралари кўрилсин.

Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг фаолиятини “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида ташкил этиш доирасида олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра, камида **5 миллиард сўм**ни ташкил этган, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари солиқ мониторингида иштирок этишга ҳақли.

16. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг Молия вазирлиги тизимидаги Давлат молиявий назорати департаменти тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички аудит хизматларини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, ўтказиладиган текширишлар ва уларнинг натижалари юзасидан маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда **бир ой муддатда** давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштирсин.

17. Божхона назорати тартиб-таомилларини такомиллаштиришда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, **давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш** мақсадида **2021 йил 1 июлдан бошлаб** божхона назоратини олиб боришнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

тоифадан ташқари мақомдаги **“Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари”** синов тариқасида босқичма-босқич ташкил этилади;

божхона расмийлаштируви жараёнларини масофавий бошқариш, инсон аралашуви кескин қисқартирилади;

чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан юк ташувчиларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни текшириш, уларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундириш жараёнини рақамлаштириш орқали умумий онлайн назорат амалиёти жорий этилади.

18. **Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш,** шу жумладан, **давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш** мақсадида:

а) жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда харажатларнинг камида **5 фоизи**ни бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилсин;

б) **2021 йилда** давлат бошқаруви **ходимлари сони ўртача 15 фоизгача оптималлаштирилсин.**

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** қуйидаги чораларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин:

бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозликни қисқартириш;

кўп йиллар давомида бўш турган штат бирликларини оптималлаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қисқартириш ва уларни бериш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига иш жараёнларини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптималлаштириш;

вазирликларда фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизимини жорий этиш;

в) ўрта ва қуйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш доирасида:

вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маоши ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилансин;

қуйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб боришнинг аниқ тизими жорий этилсин;

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** ўрта ва қуйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўрсин;

г) **2021 йил якунига қадар** амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали **тартибга солиш юкини ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг даражасини камайтириш учун ортиқча нормаларни қисқартириш** таъминлансин.

Адлия вазирлиги **2021 йил 1 майга қадар** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларини бекор қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда аниқ муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича таклифларни киритсин;

д) **2021 йил 1 июлга қадар** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни фақатгина **махсус “E-qaror”** электрон тизими орқали тайёрлаб, қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Адлия вазирлиги **уч ой муддатда:**

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш;

электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

қабул қилинаётган қарорларни ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш ва тегишли базалар билан интеграция қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини мазкур тизимда ишлаш бўйича ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш;

электрон тизим орқали қабул қилинмаган ҳужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаган ҳолда қабул қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

19. Молия вазирлиги **2021 йил 1 майдан бошлаб** қуйидагиларга оид молиявий маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилиш амалиётини жорий этсин:

давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фондининг (устав капиталининг) **50 фоизи** ва ундан ортиғи тегишли бўлган юридик шахслар харидлари;

давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги **икки ой муддатда** очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган тендер ва танлов комиссияларининг таркиби, давлат активларининг олди-сотди ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари, солиқ ва бошқа имтиёзлар олувчилар каби маълумотларни очиқ эълон қилиш бўйича таклифларни киритсин.

20. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **“Е-Антикоррупция” лойиҳасини амалга ошириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш, соҳа ва тармоқлар кесимида чуқур таҳлиллар ва жамоатчилик сўровларини ўтказиш натижасида **“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”**ни шакллантириш;

“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”га мувофиқ ҳар бир коррупциявий омилни биринчи навбатда, рақамлаштириш (электрон навбат, аукцион ва бошқа замонавий усуллар), очиқликни таъминлаш, жамоатчилик назорати каби воситалар орқали бартараф этиш бўйича таклифларни экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасида кенг муҳокамадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ва коррупциявий омилларни бартараф этишга таъсирини жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда баҳолаш ва эълон қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** “Е-Антикоррупция” лойиҳасини амалга ошириш механизмлари ҳамда коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

21. Адлия вазирлиги **бир ой муддатда** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишида **бюрократик тўсиқларни тубдан қисқартириш**га қаратилган, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фойдаланиши мумкин бўлган давлат хизматларининг кўламини кенгайтириш;

давлат, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқлашнинг ягона идентификация рақамини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш орқали улар ўртасида қоғоз кўринишида ҳужжат тақдим этиш амалиётига чек қўйиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган давлат хизматларининг натижаларини почта алоқаси орқали етказиш амалиётини йўлга қўйиш;

**“марказ-маҳалла-фуқаро”** тамойили бўйича давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш бўйича Қарши шаҳар тажрибасини жорий этиш.

22. **2021 йил 1 майдан бошлаб** мамлакатимизга **2005 йил 1 январга қадар** келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда **15 йил давомида** доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилинсин.

23. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш мақсадида:

**2021 йил 1 апрелга қадар** Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига **“мониторинг ташрифлари”** тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш тавсия этилсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган **инсонпарварлик комиссияларига** ўтказилсин;

**2021 йилда 6 тагача** манзил-колониялар қисқартирилсин.

24. Кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) **йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак беришга йўналтириш** ҳамда **коррупцияга имкон берадиган омилларни бартараф этиш** чораларини кўриш учун:

автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказишни экстерриториаллик принципи асосида йўлга қўйиш ва янги автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш талабини бекор қилиш;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида биттадан рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар, автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини беришни амалга ошириш;

барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида ҳамда камида **20 та** давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришни (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар, амалга ошириш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан имтиҳон олиш жараёнини жамоатчилик томонидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кузатиш имконини яратиш;

илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, автомобиль йўлларида йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ўлим ҳолатларини, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларининг замонавий светофорлар билан таъминланганлик даражасини босқичма-босқич ошириш орқали қисқартириш.

Ички ишлар вазирлиги **уч ой муддатда** ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) республика ҳудудида давлат ўрмон фондига кирмайдиган **дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг** амал қилиш муддатини 2021 йил 31 декабрга қадар узайтириш. Бунда:

ҳар бир кесилган дарахт ва буталар учун компенсация тарзида **10 туп** қимматлилиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчат экиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, ноқонуний кесилган дарахт ва буталар учун эса **уч йил давомида** парваришлаш шарти билан **100 туп** кўчат экиш мажбурияти киритилсин;

дарахт ва буталарнинг кесилишига жорий этилган мораторий талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида дарахт ва буталарнинг ноқонуний кесилишини аниқлаган ёки олдини олган фуқароларни рағбатлантириш тизими жорий этилсин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **икки ой муддатда** атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш тартибини қайта кўриб чиқиб, табиатни қайта тиклашга қаратилган компенсация механизмларини кенг жорий этсин.

25. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддат**да хорижий мамлакатлар билан 2021 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимлар тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

26. Адлия вазирлиги “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** умумлаштириш ҳамда якунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни, таҳлилий ахборот кўринишида акс эттирган ҳолда, ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

27. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг изчил ва ўз вақтида ижросини назорат қилишни қуйидаги тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва **ҳар ойда** ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, **ҳар чоракда** Ҳукумат Раёсатида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Олий Мажлис палаталари **ҳар чоракда** Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш чораларини кўради.

28. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Халқаро пресс-клуб билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

29. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

30. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 3 февраль*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ШОЛИ ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларини ўрганиб, **хориждан шолининг юқори ҳосилли навлари уруғларини олиб келиш ҳамда уларни маҳаллий шароитда кўпайтириш бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширсин.** Бунда, ушбу амалиёт тажриба-синов натижаларига кўра республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этиш чоралари кўрилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг шоли етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш мақсадида:

2021 йилда жами шоли майдонларининг камида **20 фоиз**ида кўчатлаб экиш, камида **50 фоиз**ида **лазер ускунаси ёрдамида ер текислаш тизимини** жорий этиш, камида **30 фоиз**ида шолини замонавий уруғ сеялкалари орқали экиш;

2022 йилда жами шоли майдонларининг камида **40 фоиз**ида кўчатлаб экиш, камида **70 фоизи**да лазер **ускунаси ёрдамида ер** текислаш тизимини **жорий этиш, камида 50 фоизида шолини замонавий уруғ сеялкалари орқали экиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда **мазкур таклифларни тўлиқ жорий этиш ҳамда 2023 йилдан бошлаб янада кенгайтириш чораларини кўрсин.**

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ф.У.Эрманов) Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ҳамда Фанлар Академияси (Б.С.Юлдашев) билан биргаликда **2021 йил шоли экиш мавсуми давомида, эксперимент тариқасида,** тегишли ҳудудларда:

**500 гектар**дан майдонда **зовур сувларидан фойдаланган ҳолда** шоли етиштиришни;

**50 гектар**дан майдонда анъанавий суғориш усулини қўллаган ҳолда, аммо **тунда сув бермаслик усулида** шоли етиштиришни;

**20 гектар**дан майдонда **ёмғирлатиб суғориш** усулида ҳамда **20 гектар**дан майдонда **тупроқости томчилатиб суғориш** усулида шоли етиштиришни йўлга қўйсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги эксперимент натижалари бўйича батафсил ҳисоботни ҳамда **2022 йилда мазкур экиш ва суғориш технологияларини кенг қўллаш бўйича чора-тадбирлар дастурини** 2021 йил 1 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилансинки, 2021 йил 31 декабрга қадар шоли етиштиришда шолини замонавий уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналарини сотиб олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларга сотиб олинган **уруғ сеялкалари ва кўчатлаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизигача Давлат бюджетидан қоплаб берилади.**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур бандга мувофиқ **ускуналар қийматининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин** ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Шоли етиштириш ва қайта ишлаш мақсадида, хориждан олиб келинадиган **шоли нав ва дурагай уруғликлари, лаборатория жиҳоз ва ускуналари, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари, дон қуритиш ускуналари ҳамда бутловчи қисмлари 2023 йил 1 январга қадар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга мувофиқ божхона божидан озод қилинсин.**

9.Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **2021 йил ҳосили учун шоли етиштириш прогноз кўрсаткичлари 2-илова**га мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги илмий муассасаларда 2021 йил ҳосили учун **шоли навларини жойлаштириш ва суперэлита уруғлик шоли етиштириш ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари 3-илова**га мувофиқ;

**Ўзбекистонда шоличиликни ривожлантириш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) **4-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **мазкур прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини ҳамда Дастурнинг ижросини таъминласин.**

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) билан биргаликда:

**бир ой муддатда** Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида **шоличилик йўналишида қабул квотасини ошириш юзасидан** Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент давлат аграр университетининг **Нукус филиалини ҳамда Вьетнам аграр университети билан биргаликда** шоличилик йўналишида **қўшма факультет** ташкил қилиш чораларини кўрсин;

**икки ой муддатда** дунёнинг шоличиликка ихтисослашган марказларида (Япония, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Филиппин ва бошқалар) ёш кадрлар ва мутахассисларнинг хорижий грантлар асосида **малакасини оширишга юбориш бўйича чораларни белгиласин.**

11.Мазкур қарорда назарда тутилган кўрсаткичларга ўз вақтида эришиш орқали **озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш,** шунингдек, бу борада **самарали назорат тизимини ўрнатиш** мақсадида:

а) Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (Д.Ф.Рахимов):

мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ ер майдонларида шоли экилиши, унинг уруғ, кўчат, минерал ўғит ҳамда сув билан таъминлаш тадбирларини ўз вақтида **амалга оширилишини жойига чиққан ҳолда ўрганиб борсин;**

мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган шоли майдонларида кўчатлаб экиш, лазер ускунаси ёрдамида ер текислаш ҳамда шолини замонавий уруғ сеялкалари орқали экиш **тизимларини жорий қилиниши устидан доимий назорат ўрнатсин;**

республика ҳудудларида **рўйхатга олинмаган шоли етиштириш ҳолатларини аниқлаб, уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштириш чораларини кўрсин;**

мазкур қарор талабларига қатъий риоя этилишини ҳамда уни бузган **айбдорларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўрилишини таъминласин;**

амалга оширилган ишлар юзасидан **ҳар ой якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.**

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (М.И.Рўзметов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Қ.А.Юлдашев) учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида мазкур қарорга мувофиқ шоли экинларини жойлаштириш, навбатлаб экишни ташкил этиш, шунингдек, **ноқонуний шоли майдонларини аниқлашга кўмаклашсин;**

в) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д.Вахабов), Ички ишлар вазирлиги (С.А.Нишанбаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда **ҳар томонлама кўмаклашсин;**

г) Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев:

**икки ҳафта муддатда** мазкур қарор доирасида 2021 йил ҳосили учун шоли етиштириш прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб, **қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари кесимида манзилли рўйхатни тасдиқласин;**

республика ҳудудларида, мазкур қарор талаблари бўйича шоли етиштиришни кўпайтириш ҳамда **уруғ, минерал ўғит, сув ва бошқа ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш** чораларини кўрсин.

12.Хоразм вилоят ҳокимлиги (Ф.У.Эрманов) **2021 йил 1 июлга қадар:**

Шоличилик илмий-тадқиқот институти Хоразм филиалига Гурлан тумани Чинобод ММТП ҳудудидаги бўш ер майдонида маъмурий лаборатория биносини қуриш ҳамда зарур бўладиган қишлоқ хўжалиги техникалари, лаборатория ускуналари билан таъминлаш **маҳаллий бюджет даромадлари режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан амалга оширилиши чораларини кўрсин;**

Гурлан туманидан **200 гектар суғориладиган ер майдонлари ажратилишини таъминласин.**

13.Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

а) Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг ҳисоб-китобларига асосан **шоли уруғлигини саралаш учун замонавий кичик ҳажмдаги саралаш ва қадоқлаш цехларини ташкил этиш, лаборатория жиҳозлари, қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари билан таъминлаш учун** Жаҳон банкининг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳаси доирасида **жалб этилган маблағларидан ажратилишини таъминласин;**

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда:**

суперэлита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик шоли етиштириш учун Уруғчилик хўжаликларини танлаш тартибини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2021 йил 2 февраль*

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

## ПОЛЬША ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИ

2020 йил Ўзбекистон — Польша алоқалари, хусусан, иқтисодий дипломатия йўналишида муҳим йил бўлди.

Ўзбекистоннинг Польшадаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳром Бобоев "Дунё" ААга берган интервьюсида пандемия ва глобал иқтисодий инқироз туфайли чекловлар билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, ўтган йили Польшага ўзбек маҳсулотлари экспорти 60 миллион доллардан ошгани, мазкур кўрсаткич 2019 йилдагига нисбатан қарийб 55 фоиз кўпайганини маълум қилди.

Польша Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар импорти бўйича 2-ўринга (етакчи — Франция) чиқди.

2020 йилда Ўзбекистондан Польшага тўқимачилик буюмлари ва тайёр кийим-кечак (қарийб 60 фоиз), мева-сабзавот ва қуритилган мева (16 фоиз), минерал ўғитлар (9 фоиз), рангли металлар (5 фоиз), чарм-тери (3 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар (7 фоиз) экспорт қилинди. Мамлакат бозорига биринчи марта ўзбек гилоси, қовун ва тарвузлари кириб келгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, электрон модуллар (ноутбуклар, қаттиқ дисклар ва бошқа технологик маҳсулотлар учун матрицалар) экспорт қилиш ҳажми ҳам ошди.

Элчихонанинг бевосита кўмагида 2020 йилда умумий қиймати 11,6 миллион доллар бўлган 12 та экспорт шартномаси имзоланди. Экспорт ва импорт масалаларига бағишланган 40 га яқин бизнес форум, семинар ва "давра суҳбати", шунингдек, ишбилармон доиралар вакиллари билан 180 дан ортиқ учрашув ўтказилди.

Жаҳонда ип-газлама маҳсулотлари нархи кўтарилаётган бугунги шароитда ҳам Польша тўқимачилик компанияларининг Ўзбекистонда тайёрланаётган калава-ип, материаллар, газламалар, тайёр тўқимачилик буюмларига бўлган қизиқиши барқарор равишда ўсиб бормоқда. Поляклар ўзбек тўқимачилик маҳсулотларининг юқори сифатидан мамнун.

2020 йил Польша тўқимачилик саноати маркази ҳисобланган Лодзь шаҳрида элчихона кўмагида "Парвоз Ҳумо Равнақ Транс" МЧЖ томонидан "Haj Tex Sp. z o.o." ва "ДЭУ Бухоро Текс" хорижий корхонаси томонидан "Daewoo Comsco" брендлари остидаги маҳсулотлар савдо-сотиғига ихтисослашган савдо уйлари очилди.

Жорий йил Варшавадаги "GD International" тўқимачилик улгуржи бозорида ўзбек тўқимачилик буюмлари шоуруминни ташкил этиш режалаштирилган. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг юқори сифати бу ерда катта ҳажмдаги шартномалар имзоланишини таъминлайди, деган умиддамиз.

Польшага мамлакатимизда тайёрланаётган маҳсулотлар экспортини сезиларли даражада ошириб, бу йил унинг ҳажмини 73 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда. Жумладан, тўқимачилик ва металл маҳсулотлари, мева-сабзавот, чарм-галантерея буюмлари экспорти кўрсаткичлари ўсиши кутилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда етиштириладиган мева-сабзавотларни сертификатлаш бўйича махсус эколабораторияни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Бу Ўзбекистондан Польша ва Европа давлатларига сабзавот ва меваларни тўсиқсиз олиб кириш имкониятини яратади.

Ўзбекистондан тўқимачилик, мева-сабзавот ва металл маҳсулотларини етказиб беришни таъминлаш мақсадида "Online Business Matching" платформаси орқали польшалик импортчилар билан музокаралар ўтказиш режалаштирилган.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро комиссиясининг апрель ойига мўлжалланган 7-йиғилишида ҳам Польшага ўзбек маҳсулотлари экспорти ҳажмини оширишга оид масалалар муҳокама қилинади.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари 2020 йил декабрь ойида бир ҳафта давомида Қорақалпоғистонда бўлиб, ушбу минтақада сармояларга муҳтож соҳалар, шунингдек, маҳаллий корхоналарнинг экспорт имкониятлари билан яқиндан танишди. Қорақалпоғистон туманларига жуда фойдали ва самарали ташриф доирасида 2021 йилда Польшага қизилмия илдизи ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини ташкил этиш, Қорақалпоғистон ва Польша тадбиркорлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди, бу йўналишдаги амалий ишлар режалаштирилди.

Умуман олганда, 2021 йил Ўзбекистон — Польша муносабатлари учун самарали бўлиши, баъзи жиҳатлар бўйича, хусусан, ушбу мамлакатга экспорт ҳажмини оширишда катта ютуқларга эришилиши кутилмоқда.

**"Дунё" АА,**
*Варшава*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАДБИРКОРЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

# МАҚСАДИМИЗ — ТАДБИРКОРЛАРГА ЕЛКАДОШ БЎЛИШ

**Чимбойлик якка тадбиркор Шийринхан Балтабаева мактабгача таълим муассасасига ажратилиши керак бўлган қаттиқ ва юмшоқ мебеллар ва бошқа маҳсулотларни олишда амалий ёрдам сўраб Қорақалпоғистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига мурожаат қилди. Ушбу масала тегишли ташкилотлар билан биргаликда ўрганилиб, тадбиркорга 20 та кароват, 20 та стул, 20 та матрас ва 20 дона ёстиқ ажратилди.**

***Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,***
***"Янги Ўзбекистон" мухбири***

Мамлакатимизда карантин даврида асосий ва доимий даромад манбаидан ажралган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали ижтимоий ва иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш — барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим", дея алоҳида таъкидлади.



Қорақалпоғистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига 2020 йилда 3 564 та масала бўйича 3 384 та мурожаат келиб тушган. Қўйилган муаммонинг 2 475 таси қаноатлантирилган бўлса, 1063 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган. Мурожаатларнинг 150 таси республика, 1247 таси Қорақалпоғистон Республикаси, 2167 таси туманлар даражасида ҳал этилган.

Мурожаатлар таҳлил қилинганда, банкдан кредит олиш, ер, кадастр, қурилиш, солиқ, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга алоқадор муаммолар кўп эканлиги маълум бўлди. Масалан, банкдан кредит олиш бўйича 1017 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 649 таси ижобий ҳал этилди, 363 та мурожаат бўйича фуқароларга ҳуқуқий тушунтириш берилди.

— Мен "Muxriddin tosh maydalash" МЧЖга "Ёшлар — келажагимиз" давлат дастури доирасида имтиёзли кредит маблағлари ажратилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим, — дейди Қораўзак тумани, "Қойбақ" овул фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган тадбиркор Муҳриддин Маҳмудов. — Мурожаатимни Бош вазир қабулхонаси тегишли ташкилотлар билан биргаликда тезда ўрганиб чиқиб, банкдан 1 миллиард 200 миллион сўм имтиёзли кредит олишимда ёрдам берди. Бугунги кунда ўз тадбиркорлик фаолиятимни давом эттирмоқдаман.

Шунингдек, Қонликўл туманининг "Қосжап" овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Мақпал Қурбангалиева ҳам "Ёшлар — келажагимиз" давлат дастури доирасида банкдан 300 миллион сўм кредит олиш учун ҳужжатларини топширган ва иши вақтида битмагач, қабулхонадан амалий ёрдам сўраган. Мазкур масала ҳам ижобий ҳал этилиб, ёш тадбиркорга сўралган маблағ берилди.

Қабулхонага ер, кадастр ва архитектура, қурилиш масалалари бўйича 537 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 319 таси қаноатлантирилди ва 213 та мурожаатга ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Нукус шаҳридаги "Аманжўл Автотех" хусусий корхонаси раҳбари Аманжўл Аманбаев корхона биносини таъмирлаш учун қурилиш ишларини олиб бораётгани, лекин Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш бўлими назорат инспекцияси ходимлари унинг ишига аралашаётганлигидан норозилик билдириб, қабулхонага ариза ёзган.

Мурожаатни ўрганиш натижасида корхонанинг барча ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, қурилиш ишларини амалга оширишга рухсат берилди, лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилди.

— Мен ўзимга тегишли "Zamira apa nan maxsulatlari" оилавий корхонамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мақсад қилгандим. Шу боис, ер ажратиш бўйича Бош вазир қабулхонасига мурожаат қилдим. Чунки менга Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тегишли тартибдаги хулосаси берилмаётган эди, — дейди корхона раҳбари Сундетбек Шуиншбаев. — Мурожаатим қабулхона томонидан тегишли тартибда ўрганиб чиқилди ва қўмита сўралган ер майдонига тегишли тартибда ижобий хулоса берди.

Иш бор жойда камчиликлар ҳам бўлади, албатта. Лекин баъзи мутасадди идораларда ўз вазифасига совуққонлик билан қарайдиган масъуллар ҳам учраб турибди. Қабулхонага келиб тушган ва "business.gov.uz" порталига киритилган мурожаатларнинг кўриб чиқилишида камчиликларга йўл қўйган ваколатли органларга белгиланган тартибда тақдимномалар киритилиб, масъул ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

— Муддати ўтган ва асоссиз жавоб қайтарилган мурожаатлар бўйича масъул ташкилотларга тегишли тартибда 77 та тақдимнома ва таклиф киритилиб, 59 нафар ходимга интизомий ва 2 нафар ходимга маъмурий чора кўрилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири Ринат Айтмуратов. — Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, банк муассасалари ва бошқа ташкилот ҳамда идоралар ходимларининг 51 нафарига "ҳайфсан" берилиб, 7 нафари "жарима"га тортилган бўлса, биттаси эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 2 нафар ходимга "маъмурий жавобгарлик" чораси кўрилди.



Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва барча туманларидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари томонидан киритилган ахборотларига мувофиқ, халқ депутатлари туман кенгашлари сессияларида умумий ҳисобда 66 та ваколатли орган раҳбари ва масъул ходимининг ҳисоботлари эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

— Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва барча туманларидаги қабулхоналар томонидан 7 179 та тадбиркорлик субъекти иштирокида 440 та сайёр қабул ташкил этилиб, 927 та масала бўйича мурожаат келиб тушди. Уларнинг 768 таси қаноатлантирилиб, 159 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, — дейди қабулхона бош мутахассиси Атабек Ниязов.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилиши ва Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилиши айтилган эди. Шу боис, тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида жорий йилдан бошлаб 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади. Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида жорий йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион АҚШ доллари йўналтирилади.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, Бош вазирнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари тузилган. Улар барча туманларда мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган йил давомида ушбу кенгашлар томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича 100 га яқин таклиф ишлаб чиқилиб, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига тақдим этилди.

Муҳими, бугун юртимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса, албатта, ўз самарасини беради.

ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯСИ

**Тараққий этган давлатларнинг муваффақияти географик жойлашуви қулайлиги ҳамда транспорт коммуникацияси тизими қай даражада ривожлангани билан ҳам узвий боғлиқ. Бу борада, айниқса, денгиз ва океанга чиқиш йўлининг мавжудлиги жуда катта аҳамиятга эга. Шу боис, экспорт-импортда шаҳарлараро, давлатлараро ҳамда қитъалараро юк ташишда транспорт йўналишлари муҳим ўрин тутади.**



# ДУНЁ ЙЎЛЛАРИ ЧОРРАҲАСИДА

*Рауф НУРУЛЛАЕВ,*
*иқтисодий шарҳловчи*

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида, шарқ билан ғарбни, шимол билан жанубни боғлайдиган муҳим ҳудудда жойлашган. Бироқ денгиз ва океан портларидан узоқда бўлган мамлакатлар сирасига киради. Минтақада экспорт ва импорт қилинадиган халқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш учун асосий транспорт тури темир йўл ҳисобланади. Айни кунларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан 13 та йўналиш бўйича 19 та портга, улар орқали эса яна ўнлаб бошқа бандаргоҳларга юклар етказиб берилмоқда.

2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан 2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш бўйича комплекс дастур қабул қилинган эди. Унда бир қатор халқаро транспорт йўлакларига, шунингдек, Покистон денгиз портларига чиқиш учун Трансафғон транспорт йўлагини қуриш бўйича эришилган келишувларни жадаллик билан ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа турганини, у ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциясини таъминлашдан иборатлигини таъкидлар экан, шу муносабат билан БМТ шафелигида Транспорт коммуникацияси алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очишни таклиф этган эди.

## МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ЙЎЛАГИ

**“Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамларни ташладик. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга беқиёс хизмат қилади”.**

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги бу фикрлар “Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон уч томонлама ишчи гуруҳининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи йиғилиши моҳиятида ҳам ўз ифодасини топди. Айни кезда, ушбу тадбир уч давлат раҳбарлари томонидан 2020 йил 29 декабрда йирик халқаро молиявий тузилмаларга йўлланган ва “Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлини қуриш лойиҳасини қўллаб-қувватлаш таклифи билдирилган қўшма мурожаатнинг яна бир амалий тасдиғи ҳисобланади.

Анжуманда иштирок этган Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, АҚШ Халқаро тараққиёт молия корпорацияси вакиллари томонидан мазкур лойиҳанинг муҳимлиги қайд этилди, Ўзбекистоннинг бу борадаги изчил саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланди. Маълумотларга қараганда, ушбу лойиҳага халқаро молия ташкилотлари 4,8 миллиард доллар миқдорида кредит ажратиши кутилмоқда.



Йиғилишда Трансафғон темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси (“йўл харитаси”) тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари билан учрашувда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довуд Афғонистон ҳудуди орқали Марказий ва Жанубий Осиёни энг қисқа йўл билан боғлайдиган, Покистоннинг денгиз портларига чиқишни ва уларнинг инфратузилмаси самарали ишга солинишини таъминлайдиган темир йўл қуриш лойиҳасини илгари суриш ташаббуси ўз мамлакатида юксак баҳоланиб, қўллаб-қувватланаётганини қайд этган бўлса, Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Ҳаниф Атмар ва Президент Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Коргар Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича уч томонлама ишчи гуруҳнинг Тошкент шаҳрида етакчи халқаро молиявий институтлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган биринчи йиғилишининг самарали якунларини юксак баҳолади.

— Бу —- XXI асрда мамлакатларимиз тараққиёти учун янги даврни бошлаб берадиган энг муҳим воқеадир, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов. — Мазкур ташаббусни аср лойиҳаси, деб ишонч билан айтиш мумкин. Бу мамлакатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликнинг принципиал жиҳатдан янги парадигмасини шакллантиради. Бугун биз муҳокама қилаётган темир йўл қурилиши лойиҳаси давлатларнинг барқарор ривожланиш ва халқларимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш платформасига айланади.

Экспертларнинг қайд этишича, Трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш ташаббуси нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциясини жадаллаштириб, уларни Ҳинд океанига олиб чиқади, балки Афғонистонда ҳам барқарор иқтисодиёт шаклланишига, хусусан, янги иш ўринлари яратилиши, электр энергияси таъминоти яхшиланиши, энг муҳими, одамларнинг иш билан бандлиги, юклар транзитидан йирик даромад келишига хизмат қилади. Масалан, Осиё тараққиёт банки ҳисоб-китобларига кўра, “Ҳайратон — Мозори-Шариф” темир йўли фойдаланишга топширилиши натижасида 1,2 мингга яқин киши ишга жойлашди.

Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини яқин йилларда камида 2 миллиард долларга етказиш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва логистика соҳаларида кооперацияни кучайтиришга катта эътибор қаратиляпти. Пандемия шароитига қарамай, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ортди, бизнес алоқалари фаоллашди. Икки мамлакат тадбиркорлари учун ноёб имкониятларга эга “Термиз” халқаро савдо маркази ташкил этилди. “Сурхон — Пулихумри” йўналишида электр узатиш линиясини қуриш лойиҳаси доирасида ишларни йўлга қўйиш чоралари кўриляпти.

Анжуманда шу каби масалаларга ҳам урғу берилди. Хусусан, “Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли қурилиши Жанубий Осиё ва Европа давлатлари ўртасида Марказий Осиё орқали юк ташиш харажатларини 30-35 фоиз, муддатини эса ўртача 15–16 кунга қисқартиришга имкон беради.

Қайд этиш жоиз, Жанубий Осиё мамлакатлари бозори Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари учун энг истиқболли ҳисобланади. Умумий 1,9 миллиард аҳолига ва 3,5 триллион доллар ялпи ички маҳсулотга эга бу минтақа дунёдаги энг тез ривожланаётган ҳудудлар сирасига киради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2025 йилга келиб, Ҳиндистон ва Покистоннинг Афғонистон ҳамда МДҲ давлатлари билан умумий ташқи савдо айланмаси 26 миллиард долларга етиши кутиляпти.

Йиғилишда эътироф этилганидек, Покистоннинг Карачи, Қосим ва Гвадар денгиз портларига чиқишни таъминлайдиган Трансафғон йўлаги Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини кескин оширишга, юк оқимини тезлаштиришга жалб қилишга, Европа ва Осиёни қуруқлик магистрали орқали энг қисқа йўл билан боғлайдиган кўприк сифатида минтақанинг тарихий ролини тиклашга ёрдам беради.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

*Жаҳонгир ЭРНАЗАРОВ,*
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**Пойтахтимизда “Германияда хаусмастерлик. Хаусмастерликнинг ўрни ва вазифалари” мавзусига бағишланган халқаро вебинар бўлиб ўтмоқда. Йигирма тўрт соатлик курс давомида Германия ва Беларусь мутахассислари ўз давлатларидаги хаусмастерлик тажрибаси ва кўникмалари билан ўртоқлашади.**



Сўнгги йилларда юртимизда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, улар кўрсатадиган хизмат сифатини ошириш бўйича турли инновацион ёндашув ва янгиликларга қўл урилмоқда. Хорижий давлатларнинг бу борадаги кўп йиллик тажрибаси ўрганилмоқда. Мазкур вебинар шундай интилиш ва саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Семинарда таъкидланишича, ўтган асрда Германияда хаусмастер институти амалиётга муваффақиятли жорий этилган. Бундай мутахассисларни менежернинг ўнг қўли деб аташади. Хаусмастерлар кўп қаватли уйлар ва хонадонларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўра билиш ва уларни бартараф этиш лаёқатига эга бўлади. Одатда улар бир эмас, бир нечта касбларни пухта эгаллайди. Кўпқаватли уйлар ва хонадонларга хизмат кўрсатувчи ташкилот ёки уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари сифатида ишлайди. Кўрсатиладиган хизматлар доираси, албатта, алоҳида шартнома билан тартибга солинади.

Сўнгги йилларда Беларусь хаусмастерлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Германия тажрибасини муваффақиятли ўзлаштириб, уй-жой, кўчмас мулкни бошқариш бозорида хаусмастер институтини жорий этди. Бу янгилик кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш сифатини сезиларли даражада яхшилади.

Мамлакатимизда маҳаллий хаусмастерлар малакасини ошириш, иш жараёнида уларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ҳамда биноларни техник кўрикдан ўтказиш, қурилиш ва техник зарарни аниқлаш, аҳоли билан мулоқот ўрнатиш бўйича халқаро тажриба билан таништириш семинарнинг асосий мақсадидир.

— Соҳада йигирма йиллик тажрибага эгаман, — деди Самарқанд шаҳридаги “Олтин аср” МЧЖ профессионал бошқарув ташкилоти раҳбари Хайринисо Шатанова. — Айнан тўрт йилдан буён хаусмастерликни фаолиятимизга татбиқ этиш бўйича изланишларда иштирок этяпман. Бу борада Германия тажрибасини ҳам тўлиқ ўрганиб чиқдим. Ушбу тажрибанинг асосий мазмуни рақамлаштириш бўлгани боис, уни фаолиятимизга татбиқ этсак, юртдошларимизга жуда катта енгиллик яратган бўламиз.

Вебинар “Мураббийлар учун тренинглар” дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, ўтган йил июнь ойида бошланган эди. Лойиҳа уй-жой мулкдорлари учун касб-ҳунар таълимини жорий этишга қаратилган. Унга кўра, касб-ҳунар коллежлари ва саноат корхоналари билан ишлаш режалаштирилган. Лойиҳа тўлиқ рўёбга чиқиши натижасида ихтисослашган уюшмаларнинг профессионал салоҳияти ошади, хизмат кўрсатиш кўлами янада кенгаяди.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



# ЎЗАРХИВ: ҲУЖЖАТЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАДАЛЛАШАДИ

*Лутфулла СУВОНОВ,*
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**Ахборотга эҳтиёж барча даврларда доимий ва муҳим бўлган. Унинг қиймати эса фақат янгилиги билан ўлчанмайди. Қизиғи шундаки, у қанчалик қадимий бўлса, шунча қимматли ҳамдир.**
**Давлат ва жамият учун аҳамиятли саналган бундай ахборотларни сақлаш ва келгуси авлодларга муносиб тарзда етказиш архив муассасалари зиммасида.**
**Шу боис, архив иши тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.**

Айни пайтда архив иши ва иш юритиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш, давлат архивлари моддий-техник базасини яхшилашга эҳтиёж катта бўлиб, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий механизмларини қўллаш заруратга айланди.

— 2020 йил давомида давлат архивларига жами 418 мингдан зиёд ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар келиб тушди, — дейди “Ўзархив” агентлиги директори Улуғбек Юсупов. — Шундан 291 минг нафардан ортиқ фуқаро бевосита архивга мурожаат этган бўлса, 113 мингдан ортиқ сўровлар электрон тарзда келиб тушди.

Ўтган Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида тизимда қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг алоҳида қимматли ҳужжатларининг электрон шаклини яратиш ишлари жадаллаштирилди, бу йўналишда 146 мингдан ортиқ архив сақлов бирлигида ҳужжатлар рақамлаштирилди. Шу жумладан, 8 миллионга яқин кадр қоғоз манбадаги, 265 та кино, 23 минг 266 та фотосурат, 232 та овозли ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилди. Бундан ташқари, фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида, иш ҳақи ва иш стажини тасдиқлаш, Олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномаси, араб алифбосида яратилган турк, форс ва араб тилидаги ҳужжатлардаги ахборотлар тўғрисида аннотация маълумотлари бериш, архив ҳужжатлари, китоблар ва қўлёзмаларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш) хизматлари бўйича маъмурий регламентлар тасдиқланди ҳамда ушбу хизматлардан Давлат хизматлари маркази ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фойдаланиш имконияти яратилди.

Бир сўз билан айтганда, республикадаги барча давлат архивларида ҳамда архив иши ҳудудий бошқармаларида ягона электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилди ва электрон ижро назорати билан таъминланди.



Шунингдек, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, ўтган йилда “Ўзархив” агентлиги ва АҚШ Холокост ёдгорлик музейи ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Мазкур ҳамкорлик доирасида давлат архивларида сақланаётган архив ҳужжатларининг электрон нусхасини яратиш ҳамда электрон базасини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан келишувга эришилди. Венгрия давлати билан ўрнатилган ҳамкорлик доирасида эса Ўзбекистонга оид жами 20 та ноёб архив ҳужжатлари ва маълумот нусхасини олишга эришилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир соҳа ривожида унинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти муҳим ўрин тутади. Ана шу мақсадда архивларга 153 та компьютер техникалари жамланмаси харид қилиниб, 3 та архив биноси қайта таъмирланди ва фойдаланишга топширилди. Агентлик ҳузуридаги Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида вазирлик ва идораларнинг архив иши ва иш юритишга масъул 326 та ходимларининг малакаси оширилди.

Жорий йилда тизимда фуқароларга хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш, ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, моддий-техник базаси ва зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида керакли чора-тадбирлар режаси белгиланди. Унга кўра, фуқароларга пенсия тайинлашда иш ҳақи ва меҳнат стажини тасдиқлаш тўғрисидаги архив маълумотномасини тўлиқ бекор қилиш, идоралараро маълумотлар базаларини интеграциялашувини йўлга қўйиш, Сирдарё вилояти Янгиер тумани, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани давлат архивлари учун янги бино қуриш, таъминлаш, Навоий вилояти Конимех тумани давлат архиви ва Навоий шаҳар шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архиви ҳамда Бухоро вилояти Когон шаҳар давлат архиви биносини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, архивларда сақланаётган 200 минг сақлов бирлигидаги 12 миллион варақни рақамлаштириш, яъни алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон шаклга ўтказиш кўрсаткичини 33 фоизга етказиш ҳамда улардан аҳолини кенг фойдаланиши учун имконият яратиш, давлат архивлари томонидан қабул қилинадиган мавзули сўровларни онлайн шаклга ўтказиш, суд қарорлари юзасидан архив маълумотномаларини олиш юзасидан идоралараро тизимлар интеграциялашуви йўлга қўйилади.

Архив иши ягона ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат архивларида сақланаётган шахсий таркибга оид фондларни қамраб олган маълумотлар базасини кенгайтириш, давлат архивларининг инфратузилмасини тубдан яхшилаш, уларни оптик толали интернет тармоғига уланишини таъминлаш ҳам жорий йилдаги асосий вазифалардан. Шунингдек, архив иши ягона ахборот тизимини “Ягона биллинг” тизимига интеграция қилиш ва давлат архивлари кўрсатаётган хизматларга онлайн тўлов тизимларини жорий қилиш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилади.

www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news



# ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

**Давлатимиз сиёсатида ёшлар камолотига катта эътибор қаратиш, уларнинг ҳар томонлама етук, замонавий билимларга эга, жамиятда ўз ўрнини топган инсонлар бўлиб етишиши учун жонкуярлик кўрсатиш муҳим ўринни эгаллайди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Президенти ҳар бир чиқишида мазкур масала хусусида алоҳида сўз юритади. Жумладан, жорий йилнинг 27 январида давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселекторда ҳам эртамиз эгаларининг келажаги билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида сўз борди.**
**Президентимизнинг жон куйдириб айтган сўзлари моҳиятида жуда катта мазмун бор. Чунки ҳар бир ёш — жамиятнинг муҳим бўғини, бўлғуси оила бошлиғи, фарзандларнинг ота-онаси, келажак пойдеворининг бунёдкори.**



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

**Юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнати, ғайрат-шижоатини муносиб рағбатлантиришнинг ўзига хос янги тизими яратилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ақл-заковати, салоҳияти билан бирор соҳа ривожига ҳисса қўшаман, деган йигит-қизларга масъулиятли вазифалар, раҳбарлик лавозимлари ишониб топширияпти.**

## КАСБ-ҲУНАРЛИ ВА БИЛИМЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

### миллий ҳаракатга айланиши зарур!



*Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, инновацион ривожланиш вазири, академик*

Афсуски, ёшларни эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, уларнинг қобилиятини рўёбга чиқариш ва тўғри йўлга йўналтириш, оддий қилиб айтганда, ўз фарзандларимизга эга чиқиш масалаларига узоқ вақт енгил-елпи муносабатда бўлиб келинди. Мамлакатимиз раҳбари бу борадаги муаммо ва камчиликларни очиб берди. Масаланинг энг оғриқли нуқталарига эътибор қаратди ва уларни ҳал қилишнинг амалий ечимларини кўрсатди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш омилларидан бири уларни талаб этилаётган касб бўйича ихтисослаштиришдир. Йиғилишда шу пайтгача ишсиз аҳоли ва бўш иш ўринлари ўзаро уйғунликда кўриб чиқилмагани танқидий таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил янгиланишлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнлари ёшларга муносабатни тубдан ўзгартиришни талаб қилаётганини давлатимиз раҳбари илгари ҳам бир неча марта таъкидлаган эди. Бу борада давлат меҳрибон ота сингари фарзандининг қобилияти ва қизиқишларини тўғри баҳолаши, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиши кун тартибидаги муҳим масаладир.

Шу ўринда ёшлар ўртасида турли танловларнинг ўтказилиши уларнинг иқтидорини намоён этиш билан бир қаторда, ўз устида ишлаш, рақобат муҳитида курашиш, салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини таъкидлаш жоиз.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ёшлар ўртасида ўтказилаётган стартап ва инновацион, технологик лойиҳалар танловларини янада кенгайтириш, ёшларни мана шу танловларга кўпроқ жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 2018–2020 йиллар оралиғида олтита танлов ташкил этилган бўлиб, улар доирасида умумий қиймати 33,77 миллиард сўмлик бир юз еттита инновацион ва стартап лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида “Technoways” инновацион марафони ташкил этилди. Унда ўн бир жамоага бирлашган, ўз лойиҳаларига эга эллик нафар иштирокчи қатнашди. Якунда тўртта лойиҳа молиялаштирилди.

Йиғилишда дипломи йўқ, лекин амалий кўникмага эга ишсиз ёшларни малакани баҳолаш марказларида ўқитиб, сертификат бериш тизими жорий этилиши хусусида ҳам сўз борди. Шунингдек, қатор олий таълим муассасалари ва йирик саноат тармоқларида малакани баҳолаш марказларини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятидаги ёшларнинг минитехнология ва ускуналар харид қилиши учун субсидия ажратиш, кредит олишда суғурта тўлови бўйича кўмаклашиш, ҳар ўн гектар экин еридан бир гектарини деҳқончилик учун ажратиш тартибини жорий этиш, захира ерларни фойдаланиш учун бериш, томорқада лимончилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик фаолияти учун кредитлар ажратиш каби аниқ ечим ва таклифлар тилга олинди. Ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қобилиятини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси туфайли, биринчидан, республикада кичик ер майдонига эга янги авлод ёш фермерлар армияси шаклланади. Иккинчидан, маҳаллий бозорларимиз янги, хилма-хил ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлади.

Ўз ўрнида, бу ҳаммамизга жуда катта масъулият ва мажбурият юклайди. Биринчидан, фермерлар ёшларга берилаётган ердан қолган асосий майдонлардан энди кўпроқ ҳосил кўтариши зарур бўлса, йигит-қизлар ўзлари олган ердан унумли фойдаланиб, ноанъанавий инновацион усулларда деҳқончиликни йўлга қўйиши лозим. Янги “ақлли технологиялар”ни қўллаб, бободеҳқон фермерларнинг ишончига муносиб эканини кўрсатади.

Бу борада илм-фан, инновациялар, технологиялар трансфери каби янги кўникмаларни ўзлаштириш устувор вазифа ҳисобланади. Олимлар ва мутасадди вазирликлар фермерларга нисбатан кичик ер майдонидан олдинги йиллардагидан кам бўлмаган ҳосил олишга ёрдам бериши ва энг асосийси, ёш ер эгаларини, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўқитиб ўргатиб, уларга кўмакчи бўлиши керак.

Президентимиз томонидан ёшларнинг лойиҳалари учун 2021 йилга ажратилган эллик миллиард сўм маблағ айнан ёш олимларни, стартапчиларнинг инновацион ғояларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши режалаштирилган. Бу танловлар соддалаштирилган, яъни ортиқча бюрократик тўсиқларсиз, шаффоф тарзда ўтказилиши назарда тутилган бўлиб, яқин кунларда дастлабкилари эълон қилинади.

Ҳар бир гектар ер эгаси, албатта, унга инновация (яъни янги ноанъанавий экин, сифатли уруғ, янги органик ўғитлар, ақлли суғориш технологиялари каби) олиб кириши лозим. Бунинг учун ёшлар вазирлигимизда ташкил қилинаётган ёш олимларнинг илмий ва стартап лойиҳаларига, “Юзта инновацион ғоя” танловларига мурожаат қилишлари ва ўзларига ажратилган ердан самарали фойда олишларига имкон берадиган бошланғич маблағларни қўлга киритиши мумкин. Қолаверса, улар вазирликдаги стартап акселераторда қатнашиб, ўз инновацион ғояларини рўёбга чиқариши учун кўникма ҳосил қилиш ҳамда, энг асосийси, қўлламоқчи бўлган технологияларининг иқтисодий самарадорлигини асословчи ҳужжатларни таниқли бизнес-тренерлар билан бирга, тайёрлаб олиш имконига эга.

Вазир сифатида ҳам, олим сифатида ҳам мана шу танловларда ҳамда акселератор ўқув дастурларида ёшларимизни фаол иштирок этишга чорлайман. Афсуски кўпчиликда, шу жумладан, йигит-қизларда ҳам турли танловларга ишончсизлик, шубҳаланиш билан қараш шаклланган. Шу шубҳаларни, ишончсизликни енгиш пайти келди. “Барибир ғолиб бўлмайман”, деб ҳаракат қилмаслик бугуннинг иши эмас. Аввал иштирок этиш, қатнашиш керак, ана ундан кейин хулоса чиқарса бўлади. Албатта, танлов борки, унда ғолиб ва мағлуб бўлади. Лекин мағлуб бўлган ҳам ўзига хулосалар чиқаради, қайси томонларини кучайтириши, қайси жиҳатлари устида янаям қаттиқроқ ишлаши кераклигини англаб етади.

Ёшларнинг ўзлигини англаб олишига кўмаклашишга қаратилган давлат сиёсати негизида “Ўз кунингни ўзинг кўриб юравер” деган эски тамойилдан тўла воз кечиб, ўғил-қизларда фидойилик, ватанпарварлик хусусиятларини шакллантиришга қаратилган хайрли ишларни кучайтириш, уларнинг маънавиятини юксалтириш ва, пировардида, ўз фарзандларимизга ўзимиз эга чиқишимиз каби эзгу мақсадлар ётибди. Президентимиз таъкидлаб ўтган ва соҳалар олдига белгилаб берган вазифаларнинг барчаси ёшларимизни соғлом фикрли, жисмонан бақувват, аждодларимизнинг бой меросидан хабардор, ватанпарвар ва фидойи қилиб тарбиялашнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилгани билан аҳамиятга молик. Бир сўз билан айтганда, ёшларни ўқитиб-ўргатиб, кейин уларга иш бериш бугун миллий ҳаракатимизга айланиши лозим.

Айнан мана шундай тизимга мисол сифатида вазирлигимиз ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида барпо этилган “Сирдарё бизнес акселератори”ни келтиришимиз мумкин. Мазкур акселераторда ёшлар ўз ғояларини бизнес лойиҳаларга айлантириш, лойиҳани шакллантириш, уни илгари суриш, ривожлантириш ва ундан фойда олишни ўрганади. Марказда юқори техника ва технологиялар асосида ҳар йили маҳаллабай бир ярим минг нафар ёшга касаначилик, тўқимачилик, ўймакорлик, сартарошлик, пайвандчилик, робототехника ва пазандачилик ўргатилади. Ёшлар кичик технологияда бирор маҳсулот яратишни ўрганиш баробарида, сертификатни қўлга киритиш учун ўқув курслари давомида яратган маҳсулотини сотиш ва ўз мижозларини йиғиш кўникмаларини ҳам шакллантириб боради Бу масканда ёшларга маркетинг соҳаси бўйича ҳам билим берилади.

Акселераторнинг ўқув курсларидан фарқли жиҳати ҳам шундаки, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотини сота оладиган ва сертификатни қўлга киритган ҳар бир ёшга ўзи ўрганган кичик технологияни сотиб олиш учун имтиёзли кредит маблағлари ажратилади. Марказда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари вакиллари билан бирга имтиёзли кредитларни расмийлаштириш, муайян тузилмалардан маблағ олиш, венчур жамғармаларидан фойдаланиш имкони яратилган.

Йиғилишда ҳозирги ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқиши қамровини кенгайтириш учун ҳар бир туманда камида биттадан мактабда IT-тўгараги очиш, яна юзта рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этиб, йигирма минг йигит-қизни дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳаси бўйича тадбиркорликка ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларнинг ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳасини илгари сурди. Лойиҳа доирасида шаҳар ва қишлоқлардаги ташаббускор ёшларнинг иқтисодиёт, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари каби соҳалардаги ғояларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш вазифаси қўйилди.

Бу ғояларни амалга оширишда вазирлигимиз томонидан ишлаб чиқилган “TexnoBus” технологик мобиль таълим платформаси тажрибаси жуда фойдали. Ушбу кўчма таълим платформасида мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги ёшлар учун улар яшаётган жойнинг ўзида робототехника ва электроника, 3D прототиплаштириш, дастурлаш, VR/AR ва бошқа интерактив йўналишлар бўйича тренинглар, маҳорат дарслари ўтказилмоқда. Шу кунга қадар “TexnoBus” платформаси ёшларни энг сўнгги технологиялар намуналари билан таништириб, ҳудудларда босқичма-босқич ташкил этилаётган ёшлар технопаркларида фаолият юритиши мумкин бўлган ёшлар жамоаларини шакллантирмоқда. Яқин кунларда очилиши кутилаётган Андижон, Самарқанд ва Оҳангарон ёшлар технопаркларининг фаолияти айнан йигит-қизларнинг салоҳияти, иқтидори ва интилишларига боғлиқ.

Вазирлигимизда ўн беш ёшгача бўлган болаларга илм-фан ва инновациялар маданиятини сингдириш ҳамда уларнинг математика-мнемотехника, шунингдек, аниқ ва табиий фанлар бўйича билимини ошириш мақсадида “Science for kids” платформаси ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар ўн олтита тадбир ташкил этилди ҳамда ўн саккиз мингга яқин болани қамраб олди. Қизиқарли тажрибалар, маҳорат дарслари, танловларни ўз ичига олган мазкур платформа иштирокчилари вазирлигимиз ҳузуридаги Ёшлар академиясининг бўлғуси аъзолари бўлса, ажабмас.

Дарвоқе, вазирлик ҳузуридаги Ёшлар академияси аъзолари сони бир минг саккиз нафарга етди. Республикамиз вилоятларида ўн беш нафар етакчи танлаб олинди. Мана шу ёшлар мамлакатимизнинг интеллектуал захираси бўлиши билан қаторда, ўз ишланма, лойиҳа, тадқиқот ва тадбиркорлик фаолияти билан юртимиз равнақига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу борадаги янги ташаббусларни амалга оширишда Қашқадарё вилояти намуна кўрсатмоқда. Жорий йил бошида тарихда илк бор вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимлари бир вақтда даволаниш таътилига чиққани сабабли вақтинча уларнинг ўрнини истиқболли ёшлар эгаллади.

Масъулларни 10 кунлик даволаниш таътили учун Тошкентга жўнатиш олдидан вилоят ҳокими Зойир Мирзаев вақтинча раҳбарлик вазифасини бажарадиган йигит-қизлар фаолиятига катта ишонч билдирди.

Тажриба сифатида вақтинчалик иш бошлаган ёш ўринбосарлар илк кунларданоқ вазифасига қатъият ва масъулият билан киришди. Белгиланган муддат давомида ишига сидқидилдан ёндашиб, билдирилган ишончни оқлади, десак муболаға бўлмайди.

10 кун мобайнида катта бир туман ёки шаҳар раҳбарига айланиб, масъул соҳалар бўйича ҳоким ўринбосари вазифасини бажарган, халқ ичига кириб, уларнинг муаммоларини тинглаган ёшларнинг таассуротлари, ўзлари учун чиқарган хулосалари билан қизиқдик.

## ҲОКИМ ИШОНЧ БИЛДИРГАН ЁШЛАР

### 10 кун давомида ҳудуд ва соҳалар раҳбарлари лавозимларида фаолият юритди



***Темурбек ПОЁНОВ, Ёшлар ишлари агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари:***

— Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган беқиёс эътибори туфайли уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки тобора ортиб бормоқда. Ўз билимига эга қатъиятли ёшларга халқ хўжалигининг турли тармоқларини бошқариш, шунингдек, давлат ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлиги ишониб топширияпти. Вилоятимизда йўлга қўйилган янгича ташаббус уларга ўзларидаги раҳбарлик салоҳиятини намоён этишга, ўз ўрнида, раҳбар бўлиш масъулиятини чуқур ҳис қилиш имкониятини берди.

Менга ҳам вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари вазифаси ишониб топширилди. Бу лавозимга мени шахсан вилоят ҳокими Зойир Мирзаевнинг ўзи танлади. Дастлаб иш жараёнига киришишим бироз қийин кечди. Ўшанда у киши томонидан берилган далда эркин ишлашимга йўл очди.

Вилоят ҳокимининг мазкур йўналишдаги ўринбосари зиммасидаги вазифалар ниҳоятда салмоқли. Ҳар бир соҳа, жумладан, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, айниқса, ёшлар масаласи бугунги кунда мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳолда, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси айнан мазкур соҳаларда эришилган ютуқ ва натижалар билан ўлчанади.

Мазкур лавозимда фаолият бошлашим аввалида, дастлаб тегишли иш режалари билан танишдим. Фуқаролардан бўлган мурожаатлар ва ташкилотлардан келган хатлар устида ишлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар бердим. Ҳар куни жойларда бўлиб, мавжуд аҳвол, шарт-шароитларни ўргандим. Имкон қадар муаммоларни ҳал этишда ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим.

Мана шу ўтган муддатда кўп нарсаларни англаб етдим. Раҳбарлик улкан масъулиятли иш экан. Президентимиз Қашқадарё ёшлари билан бўлган учрашувда “Кўпроқ билим олинг. Агар менга қайта имконият берилганда эди, 70-80 фоиз умримни билим олишга сарфлаган бўлардим. Билимли инсон ҳамма нарсага қодир бўлади”, — деб таъкидлаган эди. Мен бу сўзларнинг қанчалик ҳақиқат эканини фаолиятимнинг ҳар сониясида ҳис қилдим. Бизга берилган 10 кун, яъни 240 соат эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади.



***Адҳам ҚУЛМАМАТОВ, Ёшлар ишлари агентлиги Деҳқонобод туман бўлими бошлиғи:***

— Вилоятимиз ҳокими ташаббуси билан раҳбар лавозимига сайланган ёшлар орасида борлигим, Деҳқонобод тумани ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланганим мен учун кутилмаган, шу билан бирга, ниҳоятда ҳаяжонли воқеа бўлди. Бу нафақат менга, балки бутун туман ёшларига билдирилган катта ишонч, деб биламан.

Очиғи, аввалига, бу масъулиятдан бироз чўчигандек бўлдим. Бироқ вилоят ҳокимининг қўллаб-қувватлаши билан ўзимга бўлган ишончим ортди. Дарҳол ўз вазифамга киришдим.

Биринчи иш кунимни туман марказида жойлашган ёшлар бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтиришга ихтисослашган касб-ҳунар маркази фаолиятини ўрганишдан бошладим. Ёшлар билан учрашиб, уларнинг таклифлари, муаммолари ҳақида суҳбатлашдик. Ўртага ташланган масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилди.

Фаолиятимнинг кейинги кунларида кўчаларни ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш ишлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида яратилган шароитлар, кўп қаватли уйлар қурилиши, саноат зоналари, корхона заводларни кўздан кечирдим. Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар билан танишдим. Дам олиш куни тумандаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлиги бўлган, чин етим болаларнинг маданий дам олишини ташкил этиш билан шуғулландик.

Ўтган қисқа вақт давомида раҳбар, қолаверса, вақтинчалик ҳоким сифатида бу вазифанинг масъулияти, халқнинг дардини тинглаб, ташвиши билан яшаш қанчалик залворли эканини ҳис қилдим.

Ваколатим доирасида ҳар бир мурожаат, муаммонинг ечимини топиш учун имкон даражасида ҳаракат қилдим, интилдим. Ўз навбатида, тажрибали инсонлар, раҳбарлардан ҳали кўп нарса ўрганишим, чуқурроқ билим эгаллаб, ўз устимда тинимсиз ишлашим зарурлигини англадим.



***Шоҳжаҳон АҲМЕДОВ, Ёшлар ишлари агентлигининг Қамаши туман бўлими беш ташаббусни мувофиқлаштириш бўйича мутахассиси:***

— “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йилининг илк кунларидаёқ бир қатор фаол йигит-қизларга берилган катта имконият бизни ниҳоятда руҳлантириб, ўзимизга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади, дея оламан. Зеро, мендек оддий мутахассис вақтинча бўлса-да, туман ҳокими лавозимига лойиқ кўрилдим.

Ўтган 10 кун ҳаётимда катта тажриба мактаби бўлди. Шу вақт давомида бир қанча иқтидорли тенгдошларим билан учрашдим, сайёр қабулларда иштирок этдим, корхона, ташкилот, муассасалар фаолияти билан танишдим, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-иқтисодий, туризм соҳаларида қилинаётган ишларни ўргандим. Ёшлар, аёллар, “Темир дафтар”га кирган фуқаролар билан суҳбатлашдим. Жараёнларга кириб борар эканман, имкон қадар мавжуд муаммо-камчиликларга ечим топишга интилдим.

Биз ёшларга раҳбарлик масъулиятини ҳис этиш, одамлар дарди билан яшаш зарурятини англаш имкониятини бериб, қимматли ўгит ва маслаҳатларини аямаган барча вилоят ва туман раҳбарларига миннатдорлигимни билдираман. Қисқа вақтда олган катта тажрибам келгуси фаолиятимда муваффақиятларга эришишимда дастуриламал бўлишига ишонаман. Шу юртнинг ёш фуқароси сифатида Ватанга садоқат билан хизмат қилишга, бор куч-ғайратим билан ишлашга доим тайёрман.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА ёзиб олди.**



## АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорида хорижий давлатларда буюк аллома қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид сақланаётган қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш, уларни тадқиқ этиш борасида эътиборга молик вазифалар ҳам белгиланган. Суҳбатдошимиз филология фанлари бўйича фалсафа доктори Рустам ЖАББОРОВ айни жараёнда фаол иштирок этиб келаётган тадқиқотчилардан. У Алишер Навоийнинг 30 ёшида ўзи тузган девони тўғрисида диссертация ёқлаган. Оққўюнлилар давлатига оид ушбу девон ва мутафаккир бобомиз ижодининг туркий халқларга кўрсатган таъсири борасидаги мулоҳазаларимиз сизни ҳам эътиборсиз қолдирмаса, ажаб эмас.**

# МУТАФАККИРНИНГ 30 ЁШИДА ТУЗГАН ДЕВОНИ

## ёхуд Оққўюнлилар давлатидан топилган хазина



**— Алишер Навоий ижоди бамисоли бир уммондир. Шу боис, тадқиқотчиларимиз ушбу тенгсиз маънавий хазина сари махсус тайёргарлик билан қадам қўйган. Қуръони каримдан, ҳадисларимиздан, тасаввуф илмидан ҳамда кўплаб кўҳна манбаларимиздан хабардор бўлмаган инсон бу илоҳий чашмадан тўлалигича баҳраманд бўла олмайди. Сиз бу ноёб меросимизни қандай тайёргарлик ва мақсадлар билан ўрганишга аҳд қилдингиз?**

— Албатта, ҳазрат Навоий ижодидан баҳраманд бўлиш учун ижодкордан жуда катта тайёргарлик, куч, ҳаракат талаб этилади. Ул зотнинг барҳаёт меросини битмас хазинага менгзаш мумкин. Мен ҳам болалигимдан бери бу хазинага интилиб, ундан нимадир олишга уриниб келаман. Эсимда, уйимизда, мен кўрган илк китоб, бу — Ойбекнинг "Навоий" романи эди. Ушбу қалин китоб уйимиз токчасида турар, ота-онам уни жуда авайлашарди. Кейинчалик, ҳарф таниб унинг қандай китоб эканлигини тушуниб етганман.

Эндигина мактабга қатнай бошлаганимда, бу асар асосида суратга олинган кўп қисмли видеофильм эфирга узатила бошлаганди. Бу эса, мурғак тасаввуримда буюк шоир сиймосига бўлган эҳтиром ва қизиқиш уйғонишига сабаб бўлган.

Таниқли венгер шарқшуноси Бенедек Пери Навоий ижодининг туркий халқлар адабиётида тутган ўрнини шартли равишда "саҳнадаги бир кишилик томоша"га қиёслаган эди. Албатта, қардош халқлар адабий меросини камситмаган ҳолда, айтиш мумкинки, туркий халқлар адабиёти тарихида Навоийдек сермазмун ва улкан ижод соҳибини учратиш мушкул. Бобур Мирзо таърифи билан айтганда, "туркий тилда ҳеч ким ул зот сингари кўп ва хўб айтқон эмас".

Навоий давридан то ҳозиргача бўлган беш-олти асрлик туркий меросни ўрганиш асносида Истанбулдан то Шарқий Туркистонгача, Дашти Қипчоқдан Мисргача бўлган ҳудудда шоир мероси кенг тарқалган, котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилган, ўқилган, ўрганилган. Асрлар мобайнида усмонли турк, озарбайжон, туркман, уйғур шоирлари Навоий ғазалларига назиралар, тахмислар битган. Аҳмад Пошшо, Фузулий, Кишварий, Низорий, Махтумқули, Андалиб, Абай, Бердақ, Ажиниёз сингари туркий халқлар шеъриятининг буюк намояндалари ижодида ҳазрат Навоийдан баҳрамандлик намуналарини яққол кўришимиз мумкин. Тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳам ана шу баҳрамандлик қамрови ва кўламини илмий асосда ўрганиш, таҳлил қилишдан иборат.

**— Навоийшунос устозларимиздан қолган илмий мерос ҳозирги кун ёш олимларини қанчалик қизиқтирмоқда? Бу илмий жараёндаги фаолликни ошириш учун нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?**

— Навоий ижоди ҳар доим, ҳар бир даврда олимлар ва шоирлар, адабиёт муҳиблари диққат марказида бўлиб келган. Ҳозирга қадар Нажмиддин Комилов, Ҳамид Сулаймонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева, Ботирхон Акрам, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Содирхон Эркинов, Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олим сингари устозларнинг илмий асарлари, тадқиқотлари ҳазрат Навоий ижодини ўрганишда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Бугунги кунда ҳам юртимизда қатор ёш олимлар устоз навоийшунослар изидан бориб, бу улкан мероснинг янги-янги қирраларини кашф этишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Улар қатори Олимжон Давлатов, Зуҳра Мамадалиева, Роҳила Рўзмонова, Ҳафиза Асланова, Фаррухбек Олим, Шерхон Қораев сингари навоийшуносликдаги янги авлод вакиллари тадқиқотларини кузатиб бораман. Яқинда интернет орқали ёш тадқиқотчи Акром Маликнинг буюк аллома асарларини янгича қарашлар асосида шарҳлаб бораётганини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Бир сўз билан айтганда, давр қанча ўзгармасин, техника ва технологиялар қанчалик тараққий этмасин, халқимизнинг, миллатимизнинг Навоийга бўлган эътибори ва эҳтироми сўнмайди, аксинча, ортиб бораверади.

**— Тадқиқотчи сифатида мумтоз адабиётимизни ўрганиш ва таржима қилиш жараёнида ҳам қайсидир муаммолар сизни безовта қилдими?**

— Алишер Навоий айни пайтда дунёнинг турли нуқталарида ўрганилмоқда. Хорижда ҳам шоир ижодига қизиқиш ҳар доимгидек юқорилигича қолмоқда. Аммо аввалambор, Навоийни ўзимиз чуқур англаб етишимиз, ёш авлод онгу шуурига Навоий қарашлари, унинг теран мушоҳадаларини сингдириб боришимиз, шу билан бирга, унинг асарларини хорижий тилларга таржима қилиш қамровини кенгайтиришимиз керак. Навоийнинг кўпгина асарлари хорижий тилларга ўгирилган. Бироқ бу, барибир, кам деб ўйлайман.

2012 йилда филология фанлари доктори Афтондил Эркинов Миср Миллий кутубхонасида Навоийнинг 1471 йилда Шерозда кўчирилган девонини аниқлашга муваффақ бўлди. Шоирнинг 30 ёшлигида кўчирилган бу девонда унинг шеърлари Оққўюнлилар давлати адабий тили — ўғуз туркчасига мослаштириб битилган эди. Буни бугунги кун нуқтаи назаридан Навоий асарларининг илк таржимаси, деб қараш ҳам мумкин. Айни девон бўйича илмий изланишлар олиб борганимда ҳали бу ёшида Навоий ўзи бирорта девон тартиб бермаганини аниқладик. Унгача 1465 йилда шоирнинг мухлислари томонидан яратилган "Илк девон" фанга маълум эди холос. Бу даврда қўшни давлат ҳудудида шоир шеърлари алоҳида девон кўринишида кўчирилиши улуғ мутафаккир ёшлик чоғларидан кенг миқёсда довруғ таратиб улгурганини англатади. Девонда шоирнинг 224 та ғазали, 4 та мухаммаси, биттадан мустаҳзод ва таржеъбанди ўрин олган.

Навоий ўз асарларининг бир қисмини форсий тилда битган бўлса, шоир ўлимидан салкам чорак аср ўтиб, унинг "Мажолис ун-нафоис" асари илк бор форс тилига ўгирилди.

Француз олими Катремер Этьен томонидан "Муҳокамат ул-луғатайн" асари 1861 йилда француз тилига ўгирилган бўлса, Машҳур венгер шарқшуноси Арминий Вамбери 1869 йилда Навоий асарларидан намуналарни немис тилида чоп эттиради. Ўтган асрда, хусусан, совет даврида Навоий асарлари иттифоқдош республикалар тилларида қайта-қайта босилиб чиқди. Айни пайтда ҳам бу анъана давом этмоқда. Яқинда таниқли шоир ва таржимон Аъзам Обид Алишер Навоийнинг қатор ғазаллари ва "Фарҳод ва Ширин" достонини инглиз тилида чоп эттирди. Ўтган йили Навоий "Хамса"си профессор Рамиз Аскар томонидан озарбайжон тилига ўгирилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Машҳур француз адабиётшуноси Луи Арагон, "Алишер Навоий нафақат ўзбек халқининг, балки дунё адабиётининг энг буюк вакилларидан бири", эканини таъкидлаган эди. Шундай экан, унинг меросидан жаҳон аҳли тенг баҳра олмоғи лозим.

**— Алишер Навоий ўз ижодида фойдаланган тил бугунги кунда эски ўзбек тили, чиғатой туркчаси, шарқий туркий тил, деб ҳам юритилади. Бобомизнинг ўзи бу тилни туркий тил, деб номлаган. Изланишлар жараёнида Навоий тили луғатидаги қайси сўзлар бугунги кундаги тушунчаларимиз ва англашимларимизни оқлайдиган сўзлар эканлигини таъкидлаган бўлардингиз? Балки луғатимиздан ўчиб кетган баъзи сўзларни муомалага киритишни ўйлаб кўрганимиз маъқулдир...**

— Ҳазрат Навоий тилимиз тараққиёти учун бор кучи ва имкониятини сафарбар этган фидойиларнинг сардори десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки ул зот эски ўзбек тилини юксак чўққига кўтариб, ўша пайтда анча устунликка эга бўлган форсий тилдан кам эмаслигини назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берди. Хусусан, "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида туркий тилдаги айрим сўзларнинг муқобили бошқа тилларда йўқлигини кўрсатиб берган. Шунингдек, кўплаб сўз ва иборалар форс тилига ҳам туркийдан кириб борганини айтиб ўтган. Навоий тилнинг луғавий бойлиги ҳақида сўз юритаркан, биргина "йиғламоқ" феълининг ўнга яқин муқобилини келтириб ўтади.

Ушбу асарда форс тилида тўғридан-тўғри муқобили бўлмаган юзта феълни санаб ўтадики, уларнинг аксарияти бугунги адабий тилимизда мавжуд бўлса, баъзилари шеваларимизда ёки қардош тилларда учрайди. Улар қаторида қувормоқ, ушармак, жийжаймоқ, ўнгдаймоқ, чекримак, умунмоқ, ўсанмоқ, итирмак, эгармоқ, торимоқ, арғадамоқ, ишастмоқ, никамоқ, теврамоқ, қинггаймоқ, синграмоқ, яшқамоқ, исқармоқ, кўнгранмоқ, сухранмоқ, интрамоқ, танчиқамоқ, бушурғанмоқ, сукадамак, бўсмоқ, қаҳамоқ, чичаркамак, чупрутмоқ, жирғамоқ, қиқзанмоқ, қумурмак, бикирмак, кўнгурламак сингари ўнлаб сўзлар борки, улар ҳазрат Навоий даврида халқимиз орасида кенг истеъмолда бўлган. Бугун эса уларнинг айримлари, ҳатто қандай маъно англатишини ҳам билмаймиз.

Навоий ўз даврида туркий уруғга мансуб бўла туриб, форсий тилда гапириш ва ёзишни афзал биладиганларни афсус ила тилга олиб, *"керак эрдиким, бу халқ орасидан пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин, ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди",* деган эди. Орадан асрлар ўтиб, бу муаммо яна долзарблигича қолмоқда. Ўзга тилларни ўзимизнинг бой ва гўзал тилимиздан устун қўядиганлар ҳар ерда учраб турибди.



Алишер Навоий ўз ижодида эски ўзбек тилидан ташқари, араб, форс, мўғул ва бошқа тиллардаги минглаб сўзлардан маҳорат ила фойдаланган.

**— Луғатлар билан ишлаш жараёнига ҳам бевосита янги ахборот технологиялари кириб бормоқда. Бу борада хориж тажрибасидан қайси жиҳатларни ўрганиш муҳим деб биласиз?**

— Бугун қайсидир матнни ўқиб тушуниб таржима қилиш, тил ўрганиш учун ёстиқдек луғатларга эҳтиёж унча сезилмай қолди. Айни пайтда гаджетлардаги махсус иловалар ҳам ёзма, ҳам оғзаки матнни синхрон равишда исталган тилга ўгириб бермоқда. Бугун "гугл" иловалари орқали ўзбек тилидаги матнларни хорижий тилларга ёки тескари тартибда таржималарни амалга ошириш осонлашиб бормоқда. Бу, албатта, яхши. Кундалик мулоқотда ҳам, илмий изланишларда ҳам бирмунча қулайликларни туғдиради. Аммо барибир инсон омилига эҳтиёж сезилади. Таржима жараёнида ҳар бир сўзнинг ўрни, руҳини соғлом ақл тарозисида ўлчаб, ўша фикрни бошқа тилда акс эттириш бу сунъий интеллектга ишониб топшириладиган иш эмас.

Айниқса, Алишер Навоийдек улуғ зотларни бошқа тилда тушунтириш учун энг мукаммал технологиялар ҳам ожизлик қилади. Шу сабабли бошқа тиллардаги ўқувчилар учун Навоий асарлари мазмунини англашга ёрдам берадиган янгича технологиялар, мобиль иловалар жорий этилса, электрон кутубхоналарда Навоийнинг бошқа тиллардаги асарлари кўпроқ жойлаштирилса, бу улкан хазинанинг самарадорлиги яна ортади, қамрови кенгаяди.

**— Давлатимиз раҳбарининг "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорида чет элда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонларни жалб этган ҳолда, Алишер Навоийнинг асарларини бошқа тилларга таржима қилиш, нашр этиш ва хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўтказиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш тўғрисидаги муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Ҳозирги кунда шоир асарларидаги умуминсоний ва барҳаёт ғояларни тадқиқ этиш жараёни хорижда ҳам қизғин кечмоқда. Шу ўринда ўзбекистонлик навоийшуносларга ҳамкор бўла оладиган хорижлик олимларни айтиб ўтсангиз...**

— Дарҳақиқат, бу жараён тўхтаб қолгани йўқ. Юқорида айтганимдек, Навоий асарлари турли тилларга таржима қилинмоқда. Ҳар йили Навоий таваллуди кунлари муносабати билан турли мамлакатларда конференциялар, халқаро анжуманлар ўтказилмоқда. Бугун Токио, Москва, Шанхай, Боку, Душанбе, Минск сингари шаҳарларда улуғ бобомизга ёдгорлик ўрнатилган. Россияда Ольга Васильева, Озарбайжонда Рамиз Аскар, Алмаз Улви, Туркияда Юсуф Четиндоғ, Танжу Сейҳан, Лола Улуч, Венгрияда Бенедек Пери, Францияда Марк Тоутан, Афғонистонда Шафиқа Ёрқин сингари кўплаб олимлар Навоий ҳаёти ва ижодини узоқ йиллардан бери тадқиқ этиб келади.

Бугун Франция, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Венгрия, Германия, Туркия, Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларда Навоийнинг қатор қўлёзмалари сақланмоқда. Айни пайтда бу дурдоналарнинг факсимиле нусхаларини юртимизга қайтариш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Жорий йилда ҳам пандемия шароитларидан келиб чиқиб, қардош, яқин ва олис мамлакатларда Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан бир қатор тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

**— Алишер Навоий нутқнинг қай даражада ширали ва мазмунли бўлиши инсоннинг маънавий хазинаси қай аҳволда эканлиги билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаб ўтган. Бугунги ёшлар тилининг(нутқининг) ғариблашиб бораётганлиги, тилимизга хорижий тиллардан кириб келаётган сўзларнинг ўз муқобилини топишга астойдил ҳаракат қилмаётганлигимиз сизни ташвишга солса керак...**

— Жуда муҳим ва оғриқли масаладан сўз очдингиз. Албатта, тил бу жонли ҳодиса. Ундаги ўсиш, ўзгаришлар, янги-янги сўзларнинг кириб келиши бу табиий жараён. Аммо бу жараён тилимизнинг жаранги, нафосатини қисқартириш, ундаги жонли, нафис сўзлар сонини чеклаш ҳисобига бўлмаслиги керак.

Мумтоз адабиётимизда, хусусан, Навоий асарларида сўз санъатини тажнис, ийҳом, тазод, таносиб сингари бир қанча турлари борки, уларни ўрганиш асносида бадиий тилимиз, мумтоз ўзбек тилининг қанчалик гўзаллиги беназир ва зеболигини тушуниб бораверамиз.

Афсуски, интернет, ижтимоий тармоқлар, турли мессенжерларнинг оммалашиб бораётгани тилимиз, хусусан, ёшларимиз лексиконига ўз таъсирини ўтказяпти. Сўзларни қисқартириб, ҳарфларнинг ўрнини алмаштириб ёки бошқа тиллардаги атамалар билан ёзиш одатий тус олмоқда.

Буюк бобокалонимиз сўзни ўликка жон киритадиган қудратли кучга қиёслаганлар. Бунинг учун сўзлаш фасоҳати, назокатини унутмаслигимиз керак. Навоийнинг "Муншаот" номли асари ул зотнинг турли тарихий шахсларга битган номаларидан таркиб топган. Шу асарнинг ўзиёқ хат битиш, бошқалар билан мулоқот ўрнатишда ҳар биримизга дастуриламал бўлади. Шундай экан, Навоийни фақат маълум саналар ёки юбилейлар доирасида эмас, ҳар куни, ҳар ерда ёд этсак, ул зотдан ўргансак ва ўргатсак, нур устига нур бўлур эди.

— Суҳбат учун ташаккур.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.**

---

**Одами эрсанг демагил одами,**
**Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.**

**Алишер НАВОИЙ**

# МИЛЛАТНИ БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ БОШЛОВЧИ МАЁҚ

**Таъкидлаш жоизки, маънавият инсонни ўзлигини англатувчи бетакрор мўъжизавий куч-қудратга эга. Бугун дунё миқёсида шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнлари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Мана шундай мураккаб бир шароитда тинчлик, барқарорликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.**

**Мансур МУСАЕВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори**

Шунинг учун ҳам маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этади.

Президентимиз раислигида жорий йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: "Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият", дея таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, диёримиз миллий қадриятлари, маданияти ривожланган юксак маънавиятга эга тамаддун ўчоғидир. Ўзининг бой маънавий мероси билан дунёга зиё таратган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларнинг мероси халқимиз маънавиятининг муҳим бўғинидир.

Бугунги кунда жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши ҳамда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жаҳонда кескин бурилиш ясамоқда. Дунёнинг турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузғунчи кучлар қўлида турли сохта, зарарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганини кўрсатаётир.

Бу каби таҳдидлар миллий ва умуминсоний қадриятларнинг емирилишига, зўравонлик, инсон тақдири, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, андишасизлик, беҳаёлик каби иллатларнинг илдиз отишига замин яратмоқда. Натижада одамзоднинг ўз тарихий, диний, миллий-маънавий илдизларидан узилиб қолишига сабаб бўлаётир. Мазкур ҳолат жаҳондаги кўплаб давлатларда умумий тенденцияга айланиб бораётгани аянчли ҳол.

Маънавият ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омили ҳисобланади. Шу боис, инсон маънавий олами, халқимиз маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги даврига қадам қўйди. Буни барча соҳалардаги туб ўзгаришлар қатори маънавият, маърифатга бўлган муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида улкан ишлар қилинаётганлигини англатади. Хусусан, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда муқаддас ислом дини қадриятлари ва анъаналарини янада ривожлантиришга замин яратмоқда. Айниқса, маънавий-маърифий соҳада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар замирида юртимизда таълим, илм-фан, маданият, маърифат, аждодлар меросини ўрганиш, қадрлашга бўлаётган юксак эътибор нафақат мамлакатимиз ва минтақа аҳолиси, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юксак эътирофга сазовор бўлмоқда.

Дунё тамаддуни бухорийлар, фарғонийлар, самарқандийлар, хоразмийлар, термизийлар, насафийлар таратган илм зиёсидан қанчалар баҳраманд бўлган бўлса, бугунги кунда аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий мерос ўз қадри ва аҳамиятини асло йўқотгани йўқ. Жаҳонда халқаро терроризм, радикализм, экстремизм каби чегара билмас таҳдидларнинг хавфи ортиб бораётган айни пайтда ҳам маънавият ва маърифат жаҳолатга қарши курашишнинг энг самарали воситаси сифатида тан олинмоқда.

Ўтмишдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлиги, тарихи, маънавияти ва маданиятидан жудо қилишга алоҳида эътибор қаратган. Зеро, маънавий жиҳатдан забт этилган ҳар қандай халқни маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатларнинг мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий усулларидан ҳисобланади. Бундан 2700 йил олдин яшаган қадимги Хитой донишманди Конфуций ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: "Ҳоқоним, агар бирор мамлакатни забт этиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал, ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихи, маданиятидан маҳрум этинг, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига қолади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш осон кечади".

Бугун дунё шиддат билан ўзгариб бормоқда. Айниқса, мафкура полигонларида ғоявий — мафкуравий курашнинг тобора авж олиши ёшлар онги ва қалбини экспанция (забт этиш) этишга замин яратмоқда. Шу тариқа маънавий тубанлик таъсири оқибатида маданиятсизлик, эътиқодсизлик каби бир қатор "таълимотлар" баъзан ошкора, баъзан эса яширин тарзда тарғиб этилмоқда. Натижада, миллий руҳ, миллатнинг ўзига хослиги ва унинг асрий қадриятларига рахна солиш орқали зимдан емиришга замин яратилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Ватан шаъни, ор-номуси учун жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашда маънавият энг таъсирчан ва қудратли қурол вазифасини ўташини бугунги давр ва замон тақозо этмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 330.
11800 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Исмат Худоёров
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

ЎзА якуни — 21:10 Топширилди — 00:10